O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 26 август, № 166 (4065) Шанба

# ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ





Д. ЮСУПОВ, С. ЎРМОНОВ, Р. ШАРИПОВ (ЎзА) олган суратлар.

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.*

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, санъат ва маданият кошоналари, равон йўллар, кўприклар, боғу роғлар, хиёбонлар, фавворалар юртимиз шаҳару қишлоқлари кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишишни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидан бошлади. Истиқлол йилларида мазкур боғнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг янгидан қурилган 12 устун ва бешта гумбаздан иборат нақшинкор маҳобатли дарвозаси "Бешёғоч" майдонининг ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Бу ердаги кўл янгидан барпо этилиб, атрофи ободонлаштирилди. Ҳудуди бир неча гектарни ташкил этадиган кўл сувининг тозалигини мунтазам таъминлаб турадиган ирригация иншоотлари қурилди.

Мамлакатимиз Президенти боғ ҳудудида қурилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган меъморлар, муҳандислар, қурувчилар ва усталарнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди. Халқимизнинг асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданияти ва амалий санъатини кенг тарғиб этишда бу кўргазма зали муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

"ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур бинонинг тўрт томонига нақшинкор айвонлар ўрнатилган. Уни бунёд этишда пойтахтимиздаги 159-қурилиш тресті қурувчилари жонбозлик кўрсатган бўлса, безашда "Усто" бирлашмасининг қўли гул ёғоч ўймакорлари ва ганчкорлари ўзининг юксак маҳоратини намойиш этдилар. Кўргазма атрофидаги қарийб йигирма гектарлик майдонга турли дарахтлар экилиб, кўзларни қувнатувчи яшил майсалар ундирилди.

— Ушбу маданият ва санъат кўргазмаси биносининг бунёд этилиши халқимизнинг маънавий такомилига хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари. — Айни пайтда у аждодларимиздан қолган бетакрор маданий ва маънавий меросимизни авайлаб-асраш, ривожлантириш ва кенг миқёсда тарғиб этиш имконини ҳам беради. Барқарор ўсиш йўлидан бораётган, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган мамлакатдагина давлат ва жамият ўз олдига ана шундай улуғвор мақсадларни қўйиши ва уларга эришиши мумкин.

Ислом Каримов бу ерда ташкил этилган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини кўздан кечирди. Бундай санъат асарларини янада кўпайтириш, ҳунармандчиликдаги устоз-шогирдлик анъаналарини изчил ривожлантириш, ҳунармандчилик билан шуғулланаётганларга тегишли шарт-шароит яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

— Юртимизнинг турли ҳудудларида тайёрланган ва турли мактабларга хос мана бу заргарлик, кандакорлик, пичоқчилик, гиламдўзлик, кулолчилик, зардўзлик, дурадгорлик каби ҳунармандчилик маҳсулотлари ёнидан бефарқ ўтишнинг иложи йўқ, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси халқимиз миллий қадриятларини янада бойитиш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юртбошимиз улкан боғдаги сунъий кўл атрофида амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, боғ ҳудудини янада кенгайтириш, турли дарахтларни кўпайтириш, унинг ғарбий томонида ҳам янги дарвоза ўрнатиш зарурлигини уқтирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда миллатни соғломлаштириш, бунинг учун спортни янада оммалаштириш, аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай хайрли мақсадлар йўлида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, мавжудлари халқаро андозалар асосида таъмирланмоқда.

Президент Ислом Каримов Юнусободдаги янги қуриб битказилган "Универсал" спорт саройига ташриф буюрди. Унда енгил атлетиканинг қарийб барча йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Узунликка ва баландликка сакраш, ядро улоқтириш, югуриш учун қулай шароит яратилган. Айниқса, ёпиқ турдаги бу спорт иншооти ядро улоқтиришга мосланганi эътиборга молик.

Узунлиги 100, эни 52 метрли саройда жаҳон андозаларига мос равишда 200 метрли югуриш йўлаги бор. Унинг ўртасидаги арена баскетбол, гандбол, волейбол ўйнашга мўлжалланган.

Саройнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — уни 5-10 дақиқа ичида қайта шакллантириб, спортнинг бошқа турлари бўйича бемалол мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд. Масалан, мат қўйилса дзюдо, умуман, барча турдаги кураш беллашувларини, ринг ўрнатилиб, бокс мусобақасини ташкил этиш

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:*

**Абдуллаев Абдуғани** — Республика «Усто» ижодий уюшмасининг Қўқон бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси

**Абдуллахўжаева Малика Саматовна** — Республика патологик анатомия маркази директори, академик

**Илясов Баҳодир Қиёмович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл созловчиси

**Саматов Саме** — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти

**Ҳайтметов Гулмат** — Гурлан туманидаги «Хайтиммат ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.



**Абдуллаев Абдуғани**



**Абдуллахўжаева Малика Саматовна**



**Илясов Баҳодир Қиёмович**



**Саматов Саме**



**Ҳайтметов Гулмат**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**"Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"**

**Амануллаева Дилором Дарвиновна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада санъати кафедраси мудири, композитор

**Мусоқов Зулфиқор Жалолович** — "Ўзбекфильм" киностудияси постановкачи-режиссёри

**"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"**

**Бегматова Азиза** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

**Маъдиев Рустам Кароматович** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри бош режиссёри

**Соловей Зинаида Ивановна** — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

**"Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми"**

**Қодиров Ғофур Қобилович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

*2006 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди.*



Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Ялпи мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошланди. Тошкент вилояти Бекобод туманининг ҳокими бўлиб ишлаган сенатор Турсинбой Комилов қўмита раиси этиб сайланди.

Кун тартибига мувофиқ сенаторлар "Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқишга киришдилар. Қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонунлар тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий воситалар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларнинг ишдаги фаоллигини ошириш, микромолиявий хизматлар бозорини ва тадбиркорликни ривожлантириш, микрокредит ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мазкур масалалар юзасидан ягона ҳуқуқий базани шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлишини кўрсатиб ўтдилар. Муҳокамадан кейин ушбу қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилган сенаторлар ушбу Қонун мажбуриятларни, жумладан уй-жой қурилишини ипотека воситасида кредитлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида кўчмас мулк гаровини қўллашда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторларнинг фикрича, айниқса, қишлоқда уй-жой қурилиши соҳасидаги бозор муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий механизмига айланиши керак бўлган ушбу Қонунни маъқулладилар.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ҚАРОРИ**

## Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ҚАРОРИ**

## Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1.Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2.Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

# ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мумкин. Шу тариқа саройда бадиий гимнастика, катта теннис ва стол тенниси бўйича турнирларни ўтказса бўлади.

Сарой замонавий талабларга жавоб берадиган барча зарур спорт инвентарлари, мониторлар ҳамда электрон табло билан жиҳозланган. Беллашувларни бирйўла 3900 томошабин кузатиши мумкин.

Маълум бўлишича, шу чоққача «Ўзбекистон» спорт мажмуи очиқ ва ёпиқ теннис кортлари ҳамда сузиш ҳавзаси билан дунё рейтингида 34-ўринда турган экан. Мажмуага янги сарой қўшилганидан кейин у 20-ўринга кўтарилибди.

Президент Ислом Каримов бу ерда машқ қилаётган гандболчи, гимнастикачи ва енгил атлетикачи болалар билан суҳбатлашди. Спорт инсонни мард, матонатли, бардошли қилиб тарбиялашини таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида кўплаб спорт иншоотлари барпо этилди, — деди Ислом Каримов. — Бунинг замирида ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш мақсади мужассам.

Мамлакатимиз раҳбари яқинда Хитойда енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида баландликка сакраш бўйича ғолиб чиққан Светлана Радзевил билан суҳбатлашди. Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медаль билан қайтган ёш чемпионимизга совға топширди ва суратига дастхат битди. Юртбошимизнинг «Света, Ўзбекистон сен билан фахрланади!» деган сўзлари бошқа кўплаб йигит-қизларимизда ғалабага интилиш ҳиссини юксалтиради, албатта.

Спортчилар ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Шу ерда Ислом Каримов «Пахтакор» марказий стадионини таъмирлаш режасининг лойиҳаси билан танишди. Бундай ишлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъкидлаб, таъмир жараёнида иқлим шароити, спортчи ва ишқибозларга кўпроқ қулайлик яратиш зарурлигини уқтирди.

Шу кунларда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ёзги таътилдан қайтган ва ўзининг талабалик даврини бошлаётган ёшлар билан тобора гавжумлашмоқда. Бу ерда Тошкент давлат юридик, авиация, молия, санъат институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда талай академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг талаба ва ўқувчилари турар жойлари жойлашган. Шаҳарча ҳудудидаги турар жойларда 40 мингдан зиёд талаба ва ўқувчи яшайди.

Шаҳарчада Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан кенг кўламдаги бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Талабалар ётоқхоналари қисқа вақт ичида капитал таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Ёшларнинг ўқиши, яшаши, дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароит муҳайё. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника ёшлар хизматида. Талабалар маънавият ва маърифат марказида йигит-қизларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан ташкил этилган клублар фаолият кўрсатмоқда.

Булар узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, замон талаблари асосида бунёд этилаётган, зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланаётган таълим масканлари, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмалар, дарсликлар, илғор педагогик технологияларнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани — ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг янги спорт мажмуини кўздан кечирди.

Янги ўқув йили арафасида университетда замонавий спорт саройининг ишга тушиши талабалар учун ажойиб совға бўлди. Бу ерда спортнинг ўн бешга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча имконият ва шароит яратилган.

Президентимиз ушбу спорт мажмуи билан танишар экан, унинг замонавий талаблар асосида қурилганига эътиборни қаратди. Спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, баскетбол, волейбол, мини футбол майдонларига эга мажмуанинг қўшимча хоналарида мураббийлар ва спортчилар учун барча шароитлар муҳайё.

Юртбошимиз замонавий андозалар асосида бунёд этилган ушбу мажмуада ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит мавжудлигидан мамнуният изҳор этди. Миллатнинг маънавий, жисмоний камолоти спорт билан бевосита боғлиқ. Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ёшларимизнинг маънавий ҳамда жисмоний камолотга эришувида муҳим омил бўлмоқда.

— Юқори даражадаги билим ва салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий соғлом инсонда ғурур ва ифтихор ҳам юксак бўлади, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай ажойиб спорт мажмуаларини барпо этишдан мақсадимиз ҳам ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз бир гуруҳ спортчи ёшлар — талабалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Бугунги замонда интеллектуал салоҳият, интеллектуал бойлик ҳал қилувчи кучга айланди, — деди Юртбошимиз. — Комил инсон ҳақида орзу қилар эканмиз, камолот ёшига етаётган ёшларимизнинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ҳафта давомида тўрт мингга яқин киши спорт билан мунтазам шуғулланиши мумкин бўлган ушбу йирик мажмуа нафақат талабалар, балки яқин атрофдаги "Зиё", Мирзо Ғолиб, Беруний маҳаллалари болалари, 249- ва 326-мактаб ўқувчиларига ҳам хизмат қилади.

Талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ёшларимизда мустақил фикрнинг шаклланишида, илмга бўлган қизиқишнинг кучайишида, қалбида она Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббатнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари – «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, «Маънавият» нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш.

5. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

аҳолининг кенг қатламлари, аввалambор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, кутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

6. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши 15 кун муддатда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг дастур ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда «Тафаккур» журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйга жойлаштирсин.

8. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини хизмат телефонлари, жумладан, ҳукумат телефони, интернет, бошқа алоқа ва ахборот воситалари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Молия вазирлиги:

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятини молиялаштириш, уни зарур идоравий жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш, марказнинг илмий-тадқиқот натижалари, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги китоб, рисола, дастур, қўлланма ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш билан боғлиқ харажатлар учун 2007 йилдан бошлаб давлат бюджетидан маблағ ажратилишини кўзда тутсин;

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази учун битта енгил автомобилга лимит ажратсин.

10. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

### "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"

**Ботиров Бозор Эшимович** — Қашқадарё махсус илмий-таъмирлаш ва ишлаб чиқариш "Мерос" ҳиссадорлик жамиятининг таъмирловчи устаси

**Мамажонов Маҳмуджон Тожибоевич** — "Усто" бирлашмаси аъзоси, кулол

### "Ўзбекистон Республикаси халқ шоири"

**Саидов Сирожиддин Салохович (Сирожиддин Саййид)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир

**Ҳакимов Охунжон (Охунжон Ҳаким)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими маслаҳатчиси, шоир

### "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

**Султонова Сўнажон** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"

**Абдуллаев Рустам Мамаражабович** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ўқитувчиси, хонанда

**Алиев Убайдулла Мамадвалиевич** — Фарғона вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари, хонанда

**Бердиев Йўлдош Арзиқулович** — Қарши шаҳридаги "Мулоқот" театр-студияси актёри

**Боботиллаева Маҳлуза Убайдуллаевна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Жабборова Карима Эрназаровна** — Республика қўғирчоқ театри актёри

**Искандарова Малика Сайидаҳмедовна** — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

**Йўлдошев Ҳотамжон Алижонович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**Мамазоитова Гулсанам Мамадалиевна** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Мўминова Нодира Пардаевна** — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

**Раҳимов Эркин Исломович** — Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси артисти

**Раҳимова Дилфуза Болтаевна** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Сержанов Кенесбай Жумабаевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**Тожибоев Алижон Тошпўлатович** — Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актёри

**Турпишева Марина Романовна** — "Илҳом" театри актёри

**Тўраева Райҳон Умаровна** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Чориев Чоршанби** — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Элтоева Лола Суюновна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Эшчанов Ғофур Муҳаммедович** — Хоразм вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Эшчанов Ғулом Муҳаммедович** — Хоразм вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Юнусова Мақсадхон Неъматовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"

**Иброҳимов Жаҳонгир Акбарович** — Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Неймер Владимир Борисович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, дирижёр

**Ризамуҳамедов Раҳимжон Зокирович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

**Эшонова Муҳаббатхон Муталибовна** — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Юлдашева Саодат Назировна** — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ ижодиёти кафедраси мудири, профессор

**Қулмуҳамедов Жасур Рафиқович** — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

**Адильшаева Ленуре Вейсовна** — Жиззах вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири

**Каримжонов Комилжон** — "Ўзбекистон" телеканалининг "Ахборот" бош муҳарририяти шарҳловчиси

**Ҳайдаров Абдунаби** — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири, публицист

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор"

**Солиҳов Темур Фаттоҳович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти директори

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

**Акбаров Абдураҳмон Турғунович** — Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

**Бродянский Вячеслав Маркович** — Самарқанд вилояти рус драма театри бош режиссёри

**Енин Валерий Иванович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Калимбетов Торенияз Жумабаевич** — "Қорақалпоққино" агентлиги директори

**Кенжабоев Қамчибек (Қамчибек Кенжа)** — Ёзувчи, публицист

**Матёқубов Матрасул** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси, созанда

**Мусажонова Гулмира Фарҳодовна** — «Ўзбекистон» телеканалининг "Оддий ҳақиқатлар" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси

**Норқобилов Нормурод Норқобилович** — "Ўзбекистон" телеканалининг "Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари" бош муҳарририятининг "Қадрият" бўлими бошлиғи, ёзувчи

**Слоним Андрей Евсеевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

**Тошев Жаббор Сатторович** — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"

**Аитбоева Дилорам Ибадуллаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Ибн Сино қишлоқ врачлик пункти мудири

**Пахомов Георгий Львович** — Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирурги

**Мадалиев Масъуджон Маҳмудович** — "Устазода" унитар корхонаси кандакор устаси

**Мамутов Рефат Шукриевич** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази бош врачи

**Мустафоқулов Абдунаби** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 4-мактаб директори

**Мўминов Рамизулла Абдуллаевич** — ЎзФА "Физика қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Физика-техника институтининг етакчи илмий ходими

**Пирматов Тешабой Исаевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Саидхўжаева Жўрахон Ғофуровна** — Андижон давлат тиббиёт институтининг хирургия кафедраси доценти

**Тоҳиров Ўткир Дадақўзиевич** — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари

**Тўйжонова Ҳожинисо Ҳошимовна** — Республика онкология илмий марказининг химиотерапия бўлими врачи

**Умедов Фахриддин Шокирович** — Навоий вилояти Нурота туман Мурувват уйи терапевти

**Файзуллаева Тамара Григорьевна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси бўлим мудири

**Шоназарова Мавлуда Бурҳоновна** — Тошкент шаҳар 2-болалар мурувват уйи фельдшери

**Шоҳобова Мунира** — Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиника бош врачи

**Ғафур-Ахунов Мирза-Али** — Республика онкология илмий марказининг умумий ва болалар онкология бўлими раҳбари

**Ғафуров Абдужаббор** — "Ўзбекистон" телеканалининг овоз режиссёри

**Ҳамроев Шодиқул Эшович** — "Инсон ва қонун" газетаси бош муҳаррири

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Багдасаров Армен Юрьевич** — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори

**Жаксиликов Нурлан Ибрагимович** — Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича бош мураббийи

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

**Арзиқулов Қаҳрамон Абдуллаевич** — Профессионал боксчи

**Саидов Рустам Тўхтасинович** — Тошкент вилояти ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими"

**Суяров Саттор Эржигитович** — Сирдарё вилояти 3-Боёвут қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

*Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Буюк хизматлари учун" ордени билан

**Қодиров Пиримқул** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Мавлонова Раҳима Абдураззоқовна** — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич таълим ва тарбиявий иш кафедраси профессори

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Барноев Акбархон Акмалович** — Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Каримов Муҳаммадали Абдуғаниевич** — "Тошвилтранс" автомобилда йўловчи ва юк ташиш ҳудудий уюшмаси раиси, Осиё бокс федерацияси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти

**Мадреимов Полат Шамшетович** — "Айқулаш юлдузлари" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли бадиий раҳбари ва бош балетмейстери

**Сатликов Абдулла Янгибоевич** — Урганч давлат университетининг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

**Шапиро Владимир Михайлович** — Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Абдуллаева Ўктамхон Ёқубжоновна** — Наманган вилояти "Нуронийлар" саховат уйи катта ҳамшираси

**Зуннунов Зокиржон Рўзиевич** — Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг Термиз филиали директори

**Каримов Абдулҳақ** — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, тўқувчи

**Комилов Холиджон Маҳамаджонович** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси мудири

**Мансуров Шомуҳиддин** — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Низаматдинова Оразгул Уснатдиновна** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туман марказий шифохонаси бош шифокори

**Убайдуллаева Муяссар Фозиловна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 186-мактабнинг мусиқа таълими ўқитувчиси

### II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Малкина Анэля Андреевна** — Республика болалар ва ўсмирлар спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи

**Макарова Татьяна Юрьевна** — Тошкент шаҳар Учтепа туман поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

**Маҳмудова Дилбар Иноятовна** — Педиатрия илмий текшириш институти директори

**Маҳмудова Мадина Ориповна** — Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти бўлим мудири

**Тилавов Самариддин Ўролович** — Республика болалар полиомиелит шифохонаси бош шифокори

**Қобилова Ўғилой Ибрагимовна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг реанимация бўлими катта ҳамшираси

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

**Қудратов Орипжон Норматович** — Сирдарё вилояти болалар шифохонасининг кардиоревматология бўлими мудири

*Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Дўстлик" ордени билан

**Аблаева Ирина Ивановна** — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар болалар санъат мактабининг хореография синфи ўқитувчиси

**Волчек Татьяна Борисовна** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси Самарқанд бекати бирлашган шифохонаси бош врачи ўринбосари

**Гармаш Людмила Михайловна** — "Ўзбектелефильм" хроникал-ҳужжатли фильмлар ижодий-ишлаб чиқариш бўлими кинорежиссёри

**Данелянц Каринэ Сергеевна** — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйи шифокор-педиатри

**Ирисқулов Муҳаммадавас Турсунович** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги республика тил ўқитиш маркази директори

**Касимова Сталя Салиховна** — Тошкент тиббиёт академиясининг Биоорганик кимё кафедраси профессори

**Ким Роберт Григорьевич** — Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория мудири

**Маҳмудов Ғофуржон** — "Овози Самарқанд" газетаси бош муҳаррири

**Мирсагулова Назирахон Ҳабиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомарказининг Ўзбекистон радиоси овоз ёзиш оператори

**Муқимов Каромат Аҳмедович** — Бухоро вилояти халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий-услубиёт маркази қошидаги "Тилло нохун" мусиқа асбобларини ясаш ва таъмирлаш тўгараги раҳбари

**Сиротина Надежда Владимировна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-Марказий поликлиникаси бўлим мудири

**Стацура Анна Кирилловна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим мудири

**Туюнбоева Зулфия** — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Умарова Зухра Илҳомовна** — "Ўзбекфильм" киностудияси монтаж устаси

**Усмонов Баҳром Акрамович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканалининг "Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари" муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Шалхарова Алия Богдановна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри қошидаги "Офарин" замонавий рақс театри бадиий раҳбари

**Юлдашева Нурия Залеевна** — Қашқадарё вилояти болалар шифохонасининг чақалоқлар бўлими шифокори

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Шуҳрат" медали билан

**Абдирайимов Ашир** — Сурхондарё вилояти давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг "Айритом" санитария назорат пункти бошлиғи

**Абдуллаева Зевар** — Урганч шаҳар марказий поликлиникаси маҳалла шифокори

**Абдураҳимова Турсуной** — Халқ таълими вазирлигининг А.П.Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи шифокори

**Агеева Татьяна Петровна** — Республика онкология илмий марказининг онкогинекология бўлими врачи

**Алавуддинова Мукамбар Абдимўминовна** — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйининг босмахона ишчиси

**Алиева Жамила Фатхуллаевна** — Тошкент вилояти Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Алиева Зулфия Каримовна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Машъал" радиоканали мутахассиси

**Барашкин Николай Иванович** — "Правда Востока" газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири

**Бердиев Абдураззоқ Холиқович** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

**Болтабоева Санобар Ҳамдамовна** — «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг SOS — онаси

**Болтаева Санобар Одилжоновна** — Самарқанд вилояти ногиронларни реабилитация қилиш маркази ҳамшираси

**Бўтаева Зебо Атоевна** — Навоий шаҳридаги 11-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, маънавият тарғиботчиси

**Девятов Василий Яковлевич** — Тошкент тиббиёт академиясининг хирургия кафедраси доценти

**Диёрова Шаропат** — Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг жароҳат бўлими катта ҳамшираси

**Дильманов Илья Оракбаевич** — "Фидокор" газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири

**Иртаев Илҳом Содиқович** — Т.Жалилов номидаги давлат академик халқ чолғулари оркестри яккахон созандаси

**Искандарова Шарифа Мадалиевна** — Фарғона давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори

**Исмоилов Иброҳим Тожиевич** — Қашқадарё вилояти Муборак тумани фельдшер-акушерлик пункти мудири

**Кравченко Татьяна Григориевна** — Тошкент шаҳар онкология диспансерининг болалар онкология бўлими врач-радиологи

**Матчанов Ҳурмат** — Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар махсус интернат мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Матқурбонов Қурбонбой** — "Маърифат" газетасининг бўлим муҳаррири

**Мемджанова Алия Нуриевна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиалининг лаборатория бўлими мудири

**Мирпўлатов Шерзод Миракбарович** — "Ўзбекистон" телеканали "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" муҳарририятининг бош режиссёри

**Миртожиева Ҳафизахон Мирвалиевна** — Наманган вилояти Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Мусаева Зилола Баҳодировна (Шаҳзода)** — "Тарона концерт" масъулияти чекланган жамиятнинг яккахон хонандаси

**Муҳиддинова Матлуба Илёсовна** — Тошкент вилоят онкология диспансерининг клиник-биохимия лабораторияси лаборанти

**Насриддинова Матлуба Қўзиевна** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи машинисти

**Никишин Алексей Геннадиевич** — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг кардиореанимация бўлими врачи

**Николаев Виктор Никитович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Панфилов Виктор Юрьевич** — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

**Попова Наталья Васильевна** — Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти бўлим мудири

**Пўлатова Мунира Набибуллаевна** — Тошкент шаҳар 1-болалар мурувват уйи ҳамшираси

**Пўлатов Суннатилла Файзуллаевич** — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг функционал диагностика лабораторияси мудири

**Раҳимов Ботир Икромович** — "Пахтакор" футбол клубининг вице-президенти

**Раҳматова Гулсанам Иброҳимовна** — Навоий вилояти Кармана қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Саъдуллаев Шомансур Шоҳсаидович** — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти директорининг ишлаб чиқариш ва инновация масалалари бўйича ўринбосари

**Султонов Худойберган** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман марказий шифохонасининг терапия бўлими мудири

**Сивороткин Михаил Васильевич** — Республика ихтисослаштирилган урология марказининг анестезиология ва реанимация бўлими мудири

**Тавбаева Маҳбуба Мирзаҳмедовна** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманлараро силга қарши кураш диспансери ҳамшираси

**Тожибоев Абдунаби Абдураҳмонович** — Тошкент автомобиль йўллар институти автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедраси доценти

**Тўрахўжаева Гулбаҳор Анваровна** — «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг SOS – онаси

**Холматова Отикахон** — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани мурувват уйи тарбиячиси

**Шокирова Дилбар** — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар марказий шифохонаси врач-кардиологи

**Шамсиев Ғайрат Абдусатторович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомарказининг телевидение ва радио кўчма техникаси хизмати (ПТС) смена бошлиғи

**Шоймардонов Ибодулла Элмирзаевич** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари

**Ўроқов Муқим** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани марказий шифохонасининг хирургия бўлими мудири

**Қосимова Қизларбувиш Қаршибоевна** — Жиззах вилояти Зарбдор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи услубчиси

**Ғуломов Собир** — Бухоро вилоят кўз касалликлари диспансери врач-офтальмологи

**Ҳайитов Адҳам** — Самарқанд вилояти "Зарафшон" газетаси масъул котиби

**Ҳакимов Исмоил Фаттоевич** — Наманган вилояти Косонсой туманидаги Ободон қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт врачи

**Ҳамроева Муҳаббат Атоевна** — "Ёшлар" телерадиоканалининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ҳодиева Малика Одиловна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

---

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида янги Қонун ҳам доимий, ҳам муваққат ҳакамлик судларини ташкил этишни назарда тутиши кўрсатиб ўтилди. Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилаётган низоларни ҳал қилиш тизимининг афзалликлари низолашаётган томонлар тадбиркорликнинг аниқ бир соҳасига ихтисослашган шахслар орасидан ҳакамлик судьяларини танлаб олишлари мумкинлигидан, низони ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиб-таомили жорий этилиши ва низонинг оператив ҳал қилинишидан, чиқимлар оз бўлишидан, ҳакамлик муҳокамасига тааллуқли ахборотнинг махфийлиги ва шу кабилардан иборат. Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, давлат ва жамият қурилишининг Президент Ислом Каримов таърифлаб берган устувор йўналишларидан бири бўлмиш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деган тамойилни амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонун қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартибини белгилашини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини, қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида фуқаролар ва нодавлат ташкилотлар билан давлат органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишини, қонун лойиҳаларига қўйиладиган талабларни белгилаб беришини кўрсатиб ўтдилар.

Сенаторлар "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун фирма номи тушунчасини ва тузилишини, фирма номига бўлган ҳуқуқнинг мазмунини ҳамда фирма номларини муҳофаза қилиш, хусусан фирма номига бўлган ҳуқуқларни суд томонидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа жиҳатларни белгилаб беради. Қонуннинг қабул қилиниши фирма номларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш учун, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек ғирром рақобат вужудга келишининг олдини олиш учун ишончли ҳуқуқий база яратилишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис юқори палатасининг аъзолари "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартишлар фирма номларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлаш учун шароит яратади ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштиради. Қонун улар томонидан маъқулланди.

"Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққанлар томонидан ушбу Қонуннинг хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфсизликни ва уларни ишлатувчи ташкилотларнинг аварияларни локаллаштиришга ва оқибатларини тугатишга тайёрлигини таъминлашдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга Қонунда хавфли ишлаб чиқариш объектини барпо этиш ва унинг амал қилишидаги лойиҳалашдан бошлаб то объектни ишлатишни тўхтатишгача бўлган ҳамма босқичлар учун саноат хавфсизлиги талаблари белгиланади. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари солиқ маслаҳати соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиб ва маъқуллаб, Қонун солиқ маслаҳатини амалга ошириш ҳамда мустақил молиявий назорат тизимининг амал қилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мулкдор билан давлатнинг мулкий манфаатларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу эса уларнинг ривожланишини рағбатлантирувчи қўшимча чора бўлади.

Шундан кейин сенаторлар автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш, автомобиль транспорти хизматларидан фойдаланадиган фуқаролар ҳаётининг хавфсизлигини ва уларнинг саломатлигини таъминлаш, шундай хизматлар сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқулладилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида Қонун автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, бу воситаларни ижарага бериш ва бошқа шахсларга бериш соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши, бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг автомототранспорт воситаларини бошқарганлик учун жавобгарлигини назарда тутиши кўрсатиб ўтилди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамадан сўнг маъқулланди. Сенаторлар киритилаётган қўшимча тижорат банкларига "Микрокредитбанк"нинг устав капиталида иштирок этиш учун шароит яратишини таъкидладилар. Бу эса пировардида кичик бизнес, тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Сенат 2006 йил 26 августда ўз ишини давом эттиради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

---

## Ташриф арафасида

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари, хусусан, Япония билан алоқалар алоҳида ўрин тутади.

### *Ўзбекистон — Япония:*

# Осиё — Тинч океани минтақасидаги яқин ҳамкоримиз

***Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган бўлиб, икки томонлама дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январда ўрнатилган. 1993 йил январь ойида эса ушбу давлат Тошкентда ўз элчихонасини очди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1994 ва 2002 йилларда Японияга амалга оширган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.***

Ташрифда Япония императори мамлакатимиз раҳбарига жуда катта ҳурмат кўрсатди. Император жаноблари, анъанага кўра, расмий ташриф билан келган бир шахсни икки марта қабул қилмайди. Бироқ мамлакатимизга, Юртбошимизга чексиз ҳурмати туфайли император ушбу анъанадан истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентини икки маротаба қабул қилди.

Ушбу ташрифлар натижасида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот, Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қўшма баёнот, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Япония Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида сиёсий мулоқот тўғрисида, инсонпарварлик, маданий ва таълим айирбошлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма билдиришлар, ҳаммаси бўлиб 14 та ҳужжат имзоланди.

Бу ҳужжатлар орасида Президентимизнинг 2002 йил 28-31 июль кунлари Японияга ташрифи давомида имзоланган Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот алоҳида ўрин тутади. Ушбу ташриф Ўзбекистон-Япония муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Шу кундан бошлаб томонлар стратегик ҳамкор мақомига эга бўлди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон — Япония марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ҳозирда мамлакатимизда 8 та ўзбек-япон қўшма корхонаси, 3 та япон сармояси асосидаги корхона, «Мицуи и Ко.», «Мицубиси», «Марубени», «Сумитомо», «Нише Иваи», «НЭК», «Тойота Цусе» каби 22 та жаҳонга машҳур япон компанияларининг доимий ваколатхоналари ишлаб турибди. Ҳукуматлар ўртасида турли масалалар бўйича ноталар алмашинуви мунтазам давом этмоқда. Сўнгги йилларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммолари — хавфсизлик ва барқарор тинчликка эришиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда таълим ва шифо масканларини замонавий техника ҳамда ускуналар билан жиҳозлаш учун Япония грантлари ажратилди. Мамлакатимиздаги ўндан ортиқ йирик лойиҳалар Япония сармояси асосида амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизга киритилган молиявий маблағлар ҳажми 1,881 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури асосида давлат имтиёзли кредитлари линияси бўйича 910 млн. АҚШ доллари, Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония банки (JBIC)нинг тижорат кредитлари орқали ёқилғи-энергетика ва тўқимачилик мажмуаларини ривожлантириш учун 811 млн. АҚШ доллари, беғараз ва инсонпарварлик ёрдами доирасида 160 млн. АҚШ доллари ажратилди.

Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Япония билан стратегик шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, икки томонлама парламент, таълим, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотларининг Япония билан ҳамкорлик масалалари бўйича фаолияти мувофиқлаштирилишини ва ўзаро самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш мақсадида 2004 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Япония билан ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатларимиз вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ҳамда жамоат ташкилотларининг Япония билан стратегик шериклик, дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ўзаро самарали ҳамкорлик қилишни таъминлаш ушбу қўмитанинг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Икки мамлакат ўртасида таълим йўналишида ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунга яққол мисол сифатида 2000 йил 2 августда Тошкент давлат юридик институтининг Япониянинг Нагоя университети билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзолаганини, 2005 йил сентябрь ойида Япония элчихонаси, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Нагоя университети кўмагида Тошкент давлат юридик институтида Япон ҳуқуқини тадқиқ этиш маркази очилганини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу ҳамкорлик асосида ҳуқуқшунос олимлар, талабалар Японияда малакасини ошириб, таълим олиб келмоқдалар. 2006 йил 6 — 9 июнь кунлари Тошкент давлат юридик институти делегациясининг Япониянинг Нагоя университетига қилган ташрифи натижасида икки томонлама ҳамкорлик ва академик айирбошлаш тўғрисида Битим, Талабалар айирбошлаш ҳақида Меморандум имзоланди.

Дунёдаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланган Япониянинг қудрати — ушбу давлатда яшовчи одамларининг ақл-заковати, тадбиркорлигидадир. Улар бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибалари, янгиликларини тезда илғаб олиб, ўзида қўллагани учун ҳам қисқа муддатда дунёнинг кучли мамлакатлари сафидан ўрин олди. Японияда асосий эътибор йирик бизнес билан кичик ва ўрта бизнес ўртасида кооператив алоқалар тизимини шакллантиришга қаратилди. Йирик корхоналарнинг бутловчи қисмлар, материаллар етказиб берадиган тармоқларни барпо этиши рағбатлантирилди. Бу эса саноатда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш имконини берди ҳамда ташқи бозорларга япон товарлари ва технологияларини экспорт қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ота-боболан қолган меросга кўз тикиб ёки «янги велосипед» ихтиро қилиб юрмай, японлардан ўрнак олиб, дунёдаги энг илғор технологияни, иш усулини ўзимизда қўллашни ўргансак, бу ҳам эзгуликка, ҳам тараққиётга хизмат қилади. Бу эса Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигига олиб келиши муқаррар. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг мамлакатимизга кутилаётган расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириб, янги поғонага кўтаради.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

## Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар




# БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

### КЕЧА

Йилдан йилнинг фарқи йўқ эди. Йиллар ўтар, лекин ўзбекнинг турмуши, Ўзбекистоннинг нуфузи, обрўси эски ҳаммом, эски тос, ўзгармас эди. Одамларга шу тузум энг яхши тузум, деб уқтирилди.

Ўзбек меҳнат қилар, лекин унинг натижасини, роҳатини кўрмас эди. "Ер юзида коммунизм ғалаба қилади. Ўшанда кўрасан. Ўйлама. Савол берма", дейилди ўзбекка. Миллат руҳиятида эгалик ҳисси сўндирилди.

Ерга эгалик, мулкдорлик — буржуйлик, дейилди. Деҳқоннинг даладаги меҳнати ҳам завод-фабрикалардагидек соатбай бўлди. Бу деҳқон билан замин ўртасидаги меҳрни йўқотди.

Деҳқон даласига бефарқ бўлиб қолди. Ҳосил қанчалигидан қатъи назар, косаси оқармади. Ўзбек деҳқони худди ишчидек, "винтик"ка айланди. Охири "Мана, менга берилаётган пул даражасида айтилган вазифаларни бажараяпман", деб қолди у.

Шўро одамлари қандай ишлашлари тўғрисида латифалар тўқилиб, дунёга тарқалди. Шулардан бири.

Уч совет боғбони кўчат ўтқазишаётган экан. Бири — жўяк олар, иккинчиси — кўчат тутар, учинчиси — тупроқ тортиб, сув қуяр экан. Бир куни иккинчи боғбон ишга келмабди. Бироқ биринчиси — жўяк олиб, учинчиси — тупроқ тортиб, сув қуйиб кетаётган эмиш.

Бир йўловчи: — «Нима қилаяпсизлар» деса:

— Кўчат экаяпмиз, — дейишибди.

— Кўчат қани? — деб сўраса,

— Бунинг нима аҳамияти бор. Биз ўз вазифамизни бажараяпмиз, — деб жавоб беришган экан "совет боғбонлари".

Мана шу мисолдаги совет деҳқонининг ерга, ишга муносабати билан бугунги ўзбек фермерларининг муносабатини бир солиштириб кўринг. Қора билан оқдек фарқ қилади.

"Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!" деган оқсоқолни ўзбекнинг кўнгли тусамади. На боши, на охири, натижа-оқибати йўқ, тўлмас-тўймас бўшлиққа ишонмади. Қараганда кўринмайдиган, кўрса танимайдиган, зорикса кўл узатмайдиган, оғриса ҳол сўрмайдиган, қоқилса қўлтиғидан олмайдиган, гапирса тушунмайдиган шўролар таклиф этган "Биз" ўзбекка бўлмас экан. Бундай коммунизмга ишонмоқ — сувга суянмоқ экан.

Чунки ота-боболаримиз "Йўқсул бўлиб бирлашгин, о-о-омин, оллоҳи акбар" деб дуо қилмаган. Оталар ўғил-қизларига умр, ризқ, давлат, обрў, инсоф тилаб дуо қилган.

### БУГУН

1991 йил 1 сентябрь. Мустақиллик — миллатнинг дардларига дармон келди. Президентимиз деҳқонларимизда эгалик ҳиссини уйғотайлик, мулкдор қилайлик, ҳар бир оила бой-бадавлат яшасин, деган шиорни кўтардилар. Жўшқин ислоҳотлар даври бошланди. Ўзлигини англаган ўзбек "Мен"ини ҳам, "Биз"ини ҳам қайта англади. Қайта қадрлади.

Орадан тарихнинг 15 йили, 180 ойи, 5475 куни ўтди. Биз бундан 15 йил олдин кутган ва ҳатто кутмаган зафарларга эришдик:

Ўзбекистон — буюк тарихига шараф либоси кийдирилган мамлакат. Ўзбекистон — қанотланган ёшлар мамлакати.

Ўзбекистон — келажакка ишончи мустаҳкам одамлар Ватани.

Ўзбекистон — жаҳон чемпионлари мамлакати.

Ўзбекистон — ўз автомобиль саноатига эга мамлакат.

Ўзбекистон — самолёт ишлаб чиқарувчи дарғалардан бири.

Ўзбекистон — саноат мамлакати.

Ўзбекистон — миллионер фермерлар мамлакати!

Ўзбекистон — ҳар бир ногирон, муҳтожнинг боши силанган мамлакат.

Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг қудратли давлати.

Шундай бўлмадими? Шундай бўлди-ку! Булар — 15 йил олдинги ва ҳозирги Ўзбекистон орасидаги кўплаб фарқлардан бир нечтаси, холос.

Мавзуимиз маънавий. Шунинг учун мамлакат эришган иқтисодий натижаларга тўхталмоқчи эмасмиз. Иқтисодий юксалиш суръатини кўзи очиқлар ҳам, кўзи ёпиқлар ҳам (кўнгиллари очиқ бўлса) кўраяпти. Айтаяпти. Тан бераяпти. Бу — ҳақиқат. Буни ҳамма кўриб, эшитиб, гапираяпти. Сиз ҳам кўраяпсиз, эшитаяпсиз. Сиз ҳам жўшиб гапиринг. Ёнингиздаги ватандошингизга, ёшларга, уйда фарзандларингизга. Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйида. Фахр-ифтихор билан.

Хўш, бу натижаларга қандай эришилди? Аввало, ҳар куни ишхонасига, даласига, яйловига, офисига, завод-фабрикаси, қўшма корхонасига, жамғарма, акциядорлик жамияти, фирмасига ишга бораётган ўзбекистонликлардаги "Мен" ва "Биз" бирлашди. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ғоялари асосида.

Юртимизда мустақил, эркин фикрлайдиган, ўз Ватанининг фуқароси, ватанпарвари, истиқлол идеалларига содиқ, ўз касбининг моҳир устаси бўлган Шахсни тарбиялаш мақсад этиб белгиланди. Чунки озод Ўзбекистонга жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол, ижодкор, рақобатбардош мутахассис, маънавияти бой йигит-қизлар керак эди.

Юз минглаб ёшларимиз ҳар тонгни ўқишларни битириб, мутахассис бўлиб, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш нияти билан кутиб олмоқдалар. Лекин улар фақат ширин орзулар билан яшаётганлари йўқ. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашни ният қилиб амалга оширилган ҳар бир эзгу ишни ватанпарварлик деса бўлади. Ватанпарварлик ёш, жой, касб, иш, вақт танламас экан. Ватанпарвар деса-дегулик йигит-қизларимиз борлиги, тобора кўпая бораётганлиги кишига фахр, ифтихор бағишлайди. Мана, шундай минглаб ёшларимиздан айримлари:

**Зебо АДАШЕВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— 2005 йил 28 декабрь. Юртбошимиз "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" марказига ташриф буюрганларида журналистлар икки-уч тилни мукаммал билишлари керак, деган фикрни айтдилар. Бу гўё менга қаратилган эди.

*Яхши журналист бўлиш учун хорижий тилларни билиш ҳам фарз, ҳам қарз. Тенгдошларимга беғараз ўргатсам, бундан-да яхши бўлади, деб ўйладим. "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" марказида тил ўргатиш курсини ташкил қилдим. Атрофимда кутганимдан ҳам кўпроқ талабалар тўпланди. Уларга дарс ўтиб, ўзимнинг билимларим ҳам ошиб борарди. Тенгдошларимга тилнинг гўзаллигини англатиш учун ўша тилдаги қўшиқ, фильм, кичик диалоглар туширилган кассеталарни эшиттирдим. Ҳозир 15 талаба-тенгдошим тилни яхши ўзлаштирди, 6 нафари чуқурлаштирилган даражага кўтарилишди. Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари қайнаб-жўшмоқда. Ёшларга яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, тенгдошларимга хорижий тилдан сабоқ беришим – жуда кичик иш. Буни биламан, лекин мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни ният қилиб бошланган юз, минг, ўн минг кичик ишлардан улкан ютуқлар пайдо бўлади, деб ўйлайман.*

**Гулмира ИСМАТОВА, Самарқанд давлат университети талабаси, кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси:**

— Президентимизнинг болалар спортига кўрсатаётган оталарча ғамхўрликлари туфайли мен кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси бўлдим. Мана, олти йилдан ортиқ вақт давомида республика ва Осиё миқёсида ўнлаб мусобақаларда қатнашдим. Тобландим. Ҳатто тушларимда ҳам курашаман, кураш усулларини бажараман. Бу ҳолатимни мураббийларим Ш.Жўраев, Б.Бердиқуловга айтдим. Улар болаларга мураббийлик қилиб, машғулот олиб боришимни маслаҳат беришди.

Рухсат олиб, мактабимиз залига 12-13 ёшдаги ўғил-қизларни йиғиб, машғулотларни бошладим. Машқларнинг бошидан болалардан қатъий интизом, ўзаро ҳурматни талаб қилдим. Шундай қилинса, спорт одамни интизомли, қатъиятли, масъулиятли қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳозир Тайлоқ туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги, «Пастки» қишлоқ маҳалласида яшовчи 50 нафар болага кураш сирларини ўргатаяпман. Болалар икки гуруҳда кунора машқ қилишяпти. Улар билан машғулот ўтказиш ҳаётимнинг мазмунига айланиб бораётир. Машғулот билан бўлиб, вақт қандай ўтаётганини ҳам сезмай қоламан.

Соғлом болалар — Ватанимизнинг келажаги. Менинг бу ишим маҳалламиз болаларининг, демак, бўлажак Ватан посбонларининг соғлом, кучли бўлишига, улар жисму жонида соғлом инсонни шакллантиришга ёрдам беради.

Ватаним учун нимадир қилаётганимдан хурсандман.

**Шуҳрат РАСУЛОВ, Навоий давлат кончилик институти талабаси:**

— 9 ёшимдан Навоий шаҳридаги "Ёш техниклар" клубининг авиамоделчилар тўгарагига қатнашдим. 2001 йилда устозларим менга "Шу тўгаракни ўзинг бошқарсанг яхши бўларди", дейишди.

"Ҳали ёшман. Эплай олармикинман?" — дедим. "Эплайсан!" — дейишди.

Рози бўлдим. Ҳозир, мана, 50га яқин ўсмир-ёшларга техник ижодкорликни ўргатяпман. 2005 йили мен раҳбарлик қилаётган клуб авиамоделчилари республика мусобақасида учинчи ўринни эгаллади.

2006 йилда Навоий кончилик институтида клубимиз аъзолари тайёрлаган пеноплен кесиш дастгоҳи, кўчма электр станцияси модели, авиамоделлар, ракета моделлари кўргазмасини ташкил қилдим.

Шу йил май ойида шаҳримиздаги машҳур "Фарҳод" маданият саройида клубимизнинг ҳисобот кўргазмасини ўтказдик. Томошабин роса келди. Техникага қизиқадиган ўзбек ёшлари шунчалик кўплигидан хурсанд бўлдим.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига атаб янги моделлар яратдик. Уларни кузда институтимизда бўлиб ўтадиган "Техник истеъдод сирлари" мавзусидаги республика илмий-назарий конференциясида намойиш этамиз.

Ниятим — ўзбек ёшлари космонавт, учувчи бўлиб коинотни забт этса. Мен шу ишга озгина ҳисса қўша олсам, бўлгани.

**Жасур КАРИМОВ, Тошкент давлат авиация институти талабаси:**

— Мен компьютер технологияларига жуда қизиқаман. Институтимизда компьютерни яхши ўрганиб олдим.

Бир куни кечқурун маҳалламиз болалари билан гаплашиб ўтирган эдик. Қўшнимизнинг ўғли: "Жасур ака, компьютерни ўрганиш қийинми?" — деб сўраб қолди. Мен "Йўқ. Қунт билан, шошмай ўргансанг, компьютер ҳамма вақт сенинг ўнг қўлинг бўлиб қолади. Ҳозирги замонда компьютерни билмасанг, хижолат бўлиб юрасан", — дедим.

Болалар: "Жасур ака, бизгаям ўргатинг", — деб туриб олишди. Институтимизда компьютер хоналар борлиги ёдимга тушди. Балки улардан таътил пайтида фойдаланса бўлар?! Шунда мен "Маслаҳатлашиб кўрай, эртага келинглар. Жавобини айтаман", — дедим уларга. Эртаси куни курсдошларим Азим билан Музаффарга таклифни айтдим. Улар "Биз ҳам ўргатамиз" деб қўллаб-қувватлашди. Биргалашиб, институт раҳбарларига таклиф билан кирдик. Ташаббусимиз қўллаб-қувватланди.

2006 йилнинг ёзида «Қўйлиқ» массивининг 5-даҳасидаги маҳалладош ўсмирлардан 18 тасига компьютер ўргатдим. Бу — ёш ватандошларимизнинг кучли салоҳият эгаси бўлиб етишишларига, уларнинг бўш вақтини ҳар хил бузғунчи ғоялар, ёмон таъсирлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Демак, талаба-ёшларимиз институт, университетларда фақат чуқур билим олиш билан чекланиб қолмаяптилар. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашни ният қилиб, шу мақсадда аниқ, натижали ишларни бошлаб, уни охирига етказишни ҳам уддалашаяпти.

Ватандошларни гапга тутинг. Ҳаётини уч қисмга — Кеча, Бугун ва Эртагача бўлиб айтсин. Шунда биласизки, изланувчан, мустақиллик берган имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиб, ўзларини ҳам, жамиятимизни ҳам фаровон қилаётган ватандошларимиз жуда кўп. Уларнинг кечасидан — бугуни, бугунидан — эртаси ёришиб бораётганлигини эшитасиз. Эшитиб, чеҳрангиз ёришиб кетади.

Хизмат сафарларидан бири. Самарқанд туманидамиз.

Ризоқул Бахтиев — 47 ёшда. Ёшлигида дурадгорликни ўрганган. Кейинчалик автоҳалокатга учраб иккала кўзи ҳам ожиз бўлиб қолган.

Шарҳласам, мақтагандек бўлади. Шунинг учун у киши айтган гапларнинг айнан ўзини келтираман. Бу усул Ризоқулнинг маънавиятини аслича — бор соддалиги, самимияти билан кўрсатади, деган умидим бор:

— Ўз қўлим билан тандир ясайман. Анча бўлиб қолди бунга. Самарқандда кимга яхши тандир керак бўлиб қолса, меникига келишади. 8000-10000 сўмга олишади. Виждон билан қилинган иш виждонни уйғотади-да.

Шахсий тракторим бор. Ўғлим ҳайдайди. Тракторни бир кунда "ейиб" ташлаб, бир кунда "теради". 10 та қорамолим, 5 та қўйим бор.

Баъзан ҳайрон қоламан. Қиш келганида, кўзи ожизнинг токи кўмилгану (ўзим хомток қилиб кўмганман), соғларники кўмилмаган бўлади. Ток ораларига буғдой экиб, бултур 1,5 тонна буғдой олдим. Соғлар экмади ҳам. Баъзиларга ҳайронман: соппа-соғ, куч-қуввати бор-у, ўзи ишёқмас. Яна нолиб ҳам қўядилар.

Ўтган йили Самарқанд туманида қишлоқ тадбиркорларининг кўриги бўлди. 7 хил маҳсулотимни: ўзим тиккан этикларимни, тўқиган гиламларимни, сеткамни, ясаган тандирларимни, ошлаган териларимни, ўзим яратган "Олтин куз" деган виномни кўрикка қўйдим. 1-ўринни олдим. Туман кўригида ҳам, вилоят кўригида ҳам мукофотлашди. Барака топишсин ташкил қилганлар.

Совет даврида мендекларда иш ҳам барака ҳам, йўқ эди., Менинг ҳақиқий ҳаётим мустақилликдан кейин бошланди. Илгари мен кўнгли синиқ, қўли боғлиқ яшаган эканман. Мустақиллигимиз шарофати билан, мана, худога шукур, ерим бор. Ишлайман, деган одамга 1001 имконият, шароит бор. Бу йил ўтган йилдан, келаси йил бу йилдан яхши бўлиб бораяпти.

Қайси йили Тошкентдан ҳужжатли кино қиламиз, деб келишди. Ишларимни, ишлаётганимни олишди. Кейин "Ризоқул ака, бир йиғланг, ёзиб олайлик, кино таъсирли чиқади" деб туриб олишди.

Мен: "Йиғламайман. Нимага йиғлашим керак? Мен бахтлиман-ку ахир", дедим. Кулдим.

"Ризоқул ака, кинога фалон миллион сўм сарф бўлган. Йиғламасангиз шунча харажатга куямиз", дейди.

Йиғлашга ҳаракат қилдим. Бўлмади. Йиғлай олмадим. Чунки мен ростдан бахтлиман-да. Нима деб, қандай йиғлай ахир, биродар, дедим.

Хафа бўлишди.

"Мени кўзи ожиз деманглар. Менинг 26 миллион жуфт кўзим бор", дедим.

**Шараф сенга, Мустақиллик!** Ватаннинг ҳатто ногирон фарзандларини ҳам ижодкор тадбиркорларга, йилдан-йилга орзулари рўёбга чиқиб бораётган жўшқин, бахтиёр инсонларга айлантирмоқдасан.

Мустақиллик берган имкониятлардан илҳом олиб, изланиб, фидокор меҳнатидан рози миллионлаб ватандошларимиз овозида шукроналик янграмоқда. Улар миллий ғоямиз берган эътиқодда якдил:

***"ЭРТАГА БУНДАН ҲАМ ЯХШИ БЎЛАДИ!"***

**Муҳаммад ҚУРОНОВ.**

---

## ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

# ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

**«Қишлоқ ҳаёти» 25 август.**
**Қобилжон Асқаров «Тотувлик»:**

«Бир пайтлар эл орасида кўп танилган «Андижанка» аёллар хоккей командасини «йўргаклаб» катта қилган Мирон Дмитревич Ким бугунги кунда ҳам андижонликларнинг фахрига айланган. Унинг шогирдлари жуда кўп, бир қанчаси республика терма жамоаларининг аъзолари сифатида дунё майдонларида беллашмоқдалар».

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 25 август.**
**Саъдулла Ҳаким «Овчи»:**

***«Оҳу қочиб борар кўзи тўла ғам,***
***Овчи қувиб борар изидан хуррам,***
***Билмаски, қувгани сари қанча тез,***
***Тақдир қувиб борар унинг ўзин ҳам».***

**«Моҳият» 25 август.**
**Иброҳим Норматов**
**«Хоразмда бўлмабсиз...»:**

«Маъмун академияси»нинг юбилейига тайёргарлик ишларининг бориши билан танишишимиз бизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда қуёш батареясида ишлайдиган биологик лаборатория яратиляпти. Ускуналарни сотиб олиш учун 200 минг доллар ажратилибди. Объектда ҳозиргача бир ярим миллиард сўмлик иш бажарилибди».

**«Биржа» 25 август.**
**Рустам Худойкул «Солиқ юки камаяди, даромадлар эса ортади»:**

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ялпи ставкаси 15,2 фоиз бўлган ягона солиқ ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлаш ставкаси 13 фоиз бўлган ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказиш уларнинг иқтисодий фаоллиги ортишига олиб келди. 2006 йилнинг 1-ярим йиллигидаги тегишли тушумлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қиёсий нархларда 5,7 млрд. сўмга кўпайди».

**«Хабар» 25 август.**
**Улуғбек Деҳқонов «Яхшиликни енгиб бўлмайди!»:**

«Очлик — овқат билан, сувсизлик — ичимлик билан енгилади. Қабоҳат — маърифат билан, ёвузлик — эзгулик билан бартараф этилади. Бу — тўғри. Сезган бўлсангиз, уларнинг бирлигида қарама-қаршиликни кўриш мумкин.

Энди ўйлаб кўринг-чи, яхшиликни нима билан енгиш мумкин?

Дарҳақиқат, яхшиликни енгиб бўлмайди! Унга ҳамиша қуллуқ қиладилар...»

---




# Самарқандда янги китоб маркази

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг кўҳна ва навқирон шаҳарда «Шарқ зиёкори» китоблар марказининг очилиш маросими ажиб тантанага айланиб кетди. Унда компания раҳбарлари, ёзувчилар, вилоят ва шаҳар зиёлилари иштирок этди.**

— Тошкент, Термиз ва Андижон шаҳарларида шундай марказларимиз ишлаб турибди, — деди компания бош директори Омонулла Юнусов. — Йилнинг охиригача Қарши ва Марғилон шаҳарларида «Китоблар марказлари» очишни режалаштираяпмиз. Келажакда эса туманлар марказларида ҳам элга зиё улашувчи шундай масканлар ташкил этилади.

Айни пайтда компания жамоаси асосий эътиборини ёшлар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини янада оширишга ундовчи адабиётлар чоп этишга қаратмоқда. Шу билан биргаликда жамоа жойларда китоб савдосини ташкил этиш, китобхонларга ҳар томонлама қулайлик яратиш йўлларини ахтармоқда. Самарқандда очилган Китоблар маркази ҳам ана шу фикрнинг исботидир.

Марказда айни пайтда 3 минг нусхадан ортиқ, 70 миллион сўмлик атрофидаги китоблар сотувга қўйилган. Улар орасида мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари талабалари, ўқувчилари учун дарсликлар, турли соҳаларга тегишли адабиётларнинг мавжудлиги эътиборга лойиқ.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

---

## Қарор ва ижро

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, тадбиркорлик субъектлари фаолияти, албатта, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат назоратида бўлиши талаб этилади. Бироқ бу назорат солиқ тўловчилар фаолиятига тўсқинлик қилмасдан амалга оширилса, мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу қоидага амал қилмаслик, биринчи навбатда, давлат бюджетига тушаётган солиқларнинг камайишига, иккинчи тарафдан эса, текширилаётган субъектнинг иш унуми ва даромади пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

# САВДОДАН ТУШГАН ПУЛЛАР — ФАҚАТ БАНККА

**А**на шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилиниб, улар ижросини таъминлаш борасида бирталай тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида солиқ тўлаш маданияти ҳақида жорий йилнинг ўтган даврида 137 марта семинар ташкил этилиб, уларга 13300 нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахс мақомидаги солиқ тўловчилар жалб қилинди. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эса доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Албатта, буларнинг ҳаммаси маълум даражада ўз самарасини бермоқда.

Бироқ, «Беш қўл баробар эмас» деганларидек, айрим тадбиркорлар томонидан ўз фаолиятлари давомида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Мисол учун, бошқармамиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 28 июндаги "Нақд пул муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилган амалий тадбирлар давомида бир қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Жумладан, банк маълумоти асосида 89 та субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи ўрганилганда, улардан 41 тасида 2415,8 млн. сўм нақд пул банкка топширилмагани, 27 та субъект эса 3151,7 млн. сўм миқдорида даромадини солиқдан яширганлиги (ялпи тушумни камайтириб кўрсатиш) ҳолатлари кузатилди. Пировардида эса, уларга нисбатан бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 447,6 сўм миқдорида қўшимча солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобланди.

Булардан ташқари, солиқ идоралари тақдимномаларига биноан, амалдаги қонунчилик меъёрларини бузганлиги учун 49 та тадбиркорлик субъектига судлар томонидан 99,6 млн. сўм миқдорида молиявий ва 33 нафар раҳбар шахсга 1281,5 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Эътибор беринг: Нукус шаҳридаги "Торгсистем-сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан шаҳар солиқ идорасига топширилган ҳисоботда товар айланмаси 142,9 млн. сўм, деб кўрсатилган. Аслида эса, корхонанинг товар айланмаси 798,3 млн. сўмни ташкил этган. Бу ҳолат бўйича жамият ҳисобидан бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга 18,7 млн. сўм қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ундирилди. Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари Тўрткўл туманидаги "Матназар-арбоб", Нукус шаҳридаги "Зийнет комплект" корхоналари фаолиятида ҳам аниқланиб, пировардида айбдорлар моддий жавобгарликка тортилдилар.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунида синади" деган нақл бор. Шу маънода, тадбиркорлик фаолиятида ноқонуний бойлик орттираман, деган ўйда юрганлар оқибатда қаттиқ янглишади. Қолаверса, савдо ва кўрсатилган хизматлар учун йиғилган нақд пулларни банкка топшириш — бу иш ҳақи, нафақа ва бошқа тўловларга асқотишини асло унутмаслигимиз керак.

**Н. ЧЎЛИЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

## Самолёт ҳалокатида диспетчерлар айбдор

Россияда хизмат кўрсатган учувчи Владимир Герасимовнинг фикрича, 22 август куни Украинанинг Донецк вилоятида портлаб кетган Ту-154 самолётининг ҳалокатида Харьковдаги диспетчерлик маркази ходимлари айбдор, деб ёзади «Известия» газетаси. Герасимовнинг сўзларига қараганда, 612-«Анапа – Санкт-Петербург» рейсини бошқариб турган украиналик диспетчерлар экипажга чақмоқлар қаторидан ўтиш учун йўналишни ўзгартиришга рухсат бермаган. «Баъзан самолётлар чақмоқлар қаторидан ўтиш учун ўз йўналишидан юзлаб чақирим масофани четлаб кетади. Диспетчерлар эса Ту-154 экипажини тақдир қўлига топшириб қўйишган», деди Герасимов. Маълум бўлишича, Россия самолётининг ортидан Туркиядан учиб келаётган самолёт ҳам йўлга чиққан экан. Бироқ улар таваккал қилмасдан, ортга қайтишган ва ҳалокатдан сақланиб қолган.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Ниҳоят, таслим бўлишди

Саудия Арабистони Қироллиги хавфсизлик кучлари томонидан таъқиб қилинаётган 4 нафар жангари 14 соатлик уринишлардан сўнг таслим бўлди. Жидда шаҳридаги кўп қаватли бинога ўрнашиб олган жиноятчилардан икки нафари аввалроқ ал-Милэ қамоқхонасидан қочиб кетган эди. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги вакили маълумотларига кўра, отишмалар билан бирга, ҳукумат вакиллари жангарилар билан оғзаки музокаралар ҳам олиб борди ва ниҳоят, улар таслим бўлишди.



Катта қийинчилик билан қўлга олинган шахслар террорчилик ҳаракатларини тайёрлашда гумон қилинмоқда. Ўзаро отишмалар чоғида тинч аҳоли вакилларига зарар етмади, деб хабар беради Саудия Арабистони расмийлари.

## Франция ёрдамга шай

Франция Президенти Жак Ширак Ливанга 2 минг нафар тинчликпарвар кучлар юборишга тайёр эканлигини маълум қилди. Аввалроқ расмий Париж Яқин Шарққа 400 нафар ҳарбий жўнатишни режалаштирган эди.



Мамлакат телевидениеси орқали тўғридан-тўғри чиқиш қилар экан, Ширак БМТ томонидан ҳарбийларга ўзини ҳимоя қилиш ва тинч аҳолини муҳофаза этиш учун зарур ҳолларда куч ишлатишга рухсат берилгандан кейин ҳарбийлар контингентини кўпайтиришга қарор қилинганини айтди. Ўзининг собиқ мустамласига Франция энг кўп миқдорда ҳарбий жўнатиши кутилаётган эди. Бироқ Италия Ливанга 3 минг нафар тинчликпарвар кучлар ажратди ва БМТ кучларига раҳбарлик қилишга ҳам тайёр эканлигини билдирди.

## Қайта текширув

Пентагон Афғонистон ва Ироқда ҳалок бўлган бир неча юз нафар ҳарбийнинг ўлими билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан текширув бошлади. Бунга яқинда Афғонистонда вафот этган ҳарбий — собиқ футбол юлдузи, капрал Пэт Тилманнинг ўлими туртки бўлди. Маълумотларга кўра, унинг оила аъзоларига Тильман душман билан бўлган жангларда ҳалок бўлди, деб хабар беришган, бироқ аслида ҳарбий Америка кучлари ўқидан ўлим топганлиги аниқланганди. 2001 йилдан буён Афғонистон ва Ироқда 2 мингга яқин америкалик ҳарбий аскарлар ва зобитлар ҳалок бўлди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг ёзишича, юқоридаги каби ҳолатлар юзасидан текширув юзлаб ҳолатлар юзасидан ўтказилади.

## Плутон энди сайёра эмас

Прагада ўтказилган Халқаро астрономлар иттифоқи ассамблеясида Плутондан Қуёш тизимининг сайёраси мақомини олиш ҳақида қарор қабул қилинди. Энди у фақатгина «митти сайёра» деб аталиши мумкин, холос. Коинотдаги энг кичик жисм бўлган Плутонни «чиқариб ташлаш» ҳақидаги қарор икки ярим мингдан зиёд астрономларнинг аслида қандай моддалардан таркиб топган объектларни сайёра деб аташ кераклиги ҳақидаги узоқ баҳслардан сўнг қабул қилинди.



## Нефтчилар ўғирланди

Нигерияда Италиянинг Eni нефть компаниясига қарашли 3 нафар мутахассис ўғирлаб кетилди. France Press агентлиги хабарларига кўра, Порт-Харкорт шаҳрида ходимларга ҳужум уюштирилган. Маълумотларга қараганда, улардан бири Италия фуқароси эканлиги аниқ, қолган икки нафар мутахассиснинг шахси аниқланмоқда. Жангарилар ҳужум уюштирган пайтда компания офисини қўриқлаётган нигериялик ҳарбий қоровул ўлдирилган, яна бир ҳарбий оғир жароҳатланган. Ҳозирча жангарилар бирор-бир талаб қўймади.

## Исроил халқи норози

Исроилда нашр этилувчи «Yedioth Ahrnonoth» газетаси сўровномасига кўра, исроилликларнинг



63 фоизи мамлакат Бош вазири Эхуд Ольмерт истеъфо бериши керак, деган фикрда. Уларнинг фикрича, 12 июлдан буён давом этаётган «Ҳизбаллоҳ» ҳаракатига қарши олиб борилаётган ҳарбий амалиётлар мутлақо қониқарсиз даражада. Сўровномада қатнашганларнинг 29 фоизигина Ольмерт маъмуриятининг фаолиятига ижобий баҳо берган. Сўров натижаларига кўра, агар шу бугун Бош вазирликка сайловлар ўтказилганида, уларнинг 24 фоизи Эхуд Ольмертга, 45 фоизи эса ҳукуматнинг собиқ раҳбари Биньямин Нетаниёхуга овоз берган бўлар эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# Ўзбекистонга сармоя сарфланг

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизга жалб этилган инвестициялар салмоғи 6,9 фоиз ўсган. Айниқса, сўнгги пайтларда қимматли қоғозлар ҳамда кўчмас мулк бозорида инвесторлар фаолияти жонланмоқда. Пойтахтимиздаги "Grand Mir" меҳмонхонасида Инвестиция муассасалари миллий уюшмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда ўтказган "Хорижий инвесторларни Ўзбекистон қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорига жалб этиш" мавзуидаги семинарда сармоя киритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ва бир қатор идоралар, Ansher Fund Management, Diamond Age Investment LTD, CIM Investment Management, Ostinvestor, Prince Street Capital LTD, Guanghui Investment Group сингари дунёнинг йирик ташкилотларидан вакиллар иштирок этди. Аввало, томонлар ўз фаолияти, қизиқиш ва имкониятлари ҳақида ахборот берди, мамлакатимизда қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорига сармоя қўйишга қизиқувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигини қайд қилди. Хусусан, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси вакилининг маълумотига кўра, бугунги кунда юқори ликвидли ҳамда банкротга учраган 150 га яқин корхона инвесторларга маҳтал.

Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия сингари давлатлардан келган йирик инвесторларнинг фикрича, мамлакатимизга сармоя жалб этиш анча фойдали.

— Негаки, — дейди олмониялик инвестор Штефан Лаксхубер, — юртингиз нафақат табиий заҳираларга, балки халқ хўжалигининг бир қатор тармоқлари учун хомашёга жуда бой. Шунингдек, сармоя жалб этишга барча қонуний шарт-шароитлар яратилган. Бу киритаётган маблағимиз учун асосий кафолатдир.

**Қ. ХИДИРОВ.**

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» ОАЖ
ЖАМОАСИ
бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуғ ва азизу мукаррам байрамимиз —
Мустақилликнинг 15 йиллиги
билан чин дилдан муборакбод этади!



Озод Ватанимиз 15 йил ичида асрга татигулик катта тарихий йўлни босиб ўтди. Юртдошларимиз шу давр мобайнида машаққатли синовлардан ўтиш баробарида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор ҳисларини дилларида чуқур ва теран туйди.

Ўзининг 80 йиллик тўйини шу йилнинг ёз фаслида нишонлаган корхонамиз жамоаси ҳам Истиқлол туфайли улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Энг муҳими, одамлар эртамиз бугундан-да саодатли бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилишди.

Азиз юртдошлар!
Муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!

31080/1547

Хусусий тадбиркор
Каримов Рустам Маматжонович
ватандошларимизни
Мустақилликнинг 15 йиллик байрами билан чин кўнгилдан табриклайди!



Навқирон юртимизнинг келажагига ишонч билан қарайди ва уни қўллаб-қувватлаш учун сидқидилдан меҳнат қилади.

Тадбиркор ишлаб чиқараётган гўшт ва колбаса маҳсулотлари байрам дастурхонингизга файз-барака ва тўкин-сочинлик улашсин.

Муҳтарам юртдошлар!

«АСАКА» БАНКИ

барчангизни яқинлашиб келаётган
Мустақиллик куни билан
табриклайди!

Ушбу байрам кунларида
сизларга миллий валютада «БАЙРАМ»
омонатини таклиф этади.

Ушбу омонат турини истаган банк филиалида очиш мумкин.
Омонатни сақлаш муддати — 45 кун.
Омонат бўйича йиллик 22 фоиз ҳисобланади.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-83-14, 120-39-18, 120-84-13, 57-85-15, 120-84-23, 125-16-46.



МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМИЗДА

***Бола эдим. Бувимнинг ҳикояларини эшитишдан чарчамасдим. Ғамгин эртак деса, эртакка ўхшамайдиган, юрагимнинг бир четида ачиниш ҳиссини уйғотган ўша ҳикоялар маънисини кейин англадим. Ўшанда бувим шўрлик нигоҳини бир нуқтага қадаб, кўзларида андуҳ ва изтироб зоҳир ҳолда ҳикоялар сўзлаб берарди. Кейин билсам, ўша аламли эртаклар бувимнинг ҳаётида юз берган воқеалар, у кишининг гул ёшлигини хазон қилган чин ҳақиқатлар экан.***

# «СЕРҚУЁШ ЮРТ ФАРЗАНДИСАН, БОЛАЖОН!»



...Бувимнинг кенжа ўғли — дадам туғилмасидан аввал бобомнинг қўлига кишан солиб, олиб кетишган экан. Бувим қорнида боласи билан урилиб-туртилиб, бобомни кўриш учун қамоққа борар, ўзи емай, болалари ва умр йўлдошига атаб пиширган овқатини тугунга солганича қамоқхона эшиги ёнида уззукун ўтираркан. Аммо бирор марта бўлсин, бобом билан учрашишга муваффақ бўлмабди, шўрлик. Бир вақтлар бобом билан бирга ишлаган, ақли етмаган ҳужжатларни ўрганишда ундан ёрдам сўраб юрган ҳамкасблари ҳам у ерда бувимни кўришаркан-у, танимагандай ёнидан ўтиб кетаверишаркан...

Шу-шу, бобом уйга қайтмабди. Эл орасида уни Тошкентга олиб кетиб, отиб ўлдиришгани, кейин жарликка улоқтиришгани ҳақидаги гаплар хўп оёқлабди. Бобомга ҳатто қабр ҳам қазишмабди. Майитсиз аза очиб, унинг қайтишидан умид узишибди...

Бувим ўша ғамнок кезларни жуда кўп эсларди. Эсимда, истиқлолга эришган йилимиз мен илк бор мактабга борганман. Ўшанда оппоқ лента тақиб қўйилган сочларимдан силаб, бувим кўзига ёш олганди. Мени дуо қилганди.

Озодлик бувим учун қанчалар саодатлигини, уни бамисоли дўзах оловида куйдирган ўша йиллар армонидан халос бўлишдек гап эканини билдим. Мактабдан келиб, илк бор давлат мадҳиясини ёддан айтиб берганимда унинг боши осмонга етгани, «Сен ҳақиқатан ҳам серқуёш юрт фарзандисан, болажон!» дея эркалаганининг боисини энди англадим.

* * *



...Пойтахтда обод бир маскан бор. Уни “Шаҳидлар хотираси” номи билан юритишади. Шу ерга бордим, бир дарахтнинг соясида ўтириб, чуқур ўйга толдим. Бугун гул-гул ёниб, одамнинг ҳавасини келтираётган мана шу маскан бир пайтлар неча-неча инсоннинг оҳу нолаларига гувоҳ бўлган. Эҳтимол, шу ерда бобомниям сўнгги сўзларига қулоқ солмайин, дўқ-пўписалар билан отишгандир?.. Ўшанда бобомнинг бувим Турсуной номини айтиб чақирганига ҳозир мени бағрида олиб ўтирган она-замин гувоҳ бўлгандир, балки?.. Қизиқ, бугун барча шод, ҳамма байрамни кутиб, унга тайёргарлик кўрмоқда. Эрта-индин ўша — бувим ардоқлаган истиқлол аталмиш неъматнинг бизга насиб этганига ўн беш йил тўлади. Мен эса шу аянчли қисматни бугун негадир кўп эсладим. Эҳтимол, бувимнинг руҳи уларни ёддан чиқаришимга ҳеч қачон йўл қўймас. Шу кунларнинг, шу юрт эртасининг эгаси сифатида ҳурлигимни асрашга, тинч ва фаровон кунлар ҳаққи, Яратганга шукурлар қилишимга ундаётгандир у...

* * *



“Миллий боғ” ёнидан ўтиб кетаётиб, беихтиёр йўналишни ўзгартирдим. Боғ ичига киргим келди. Кўл ёқалаб хаёлга берилган кўйи кетаверибман. Бир маҳал мустақиллик байрамининг асосий тантаналари бўлиб ўтадиган майдон яқинига келиб қолибман. Байрам бошланишига ҳали вақт бор, айни дамда тайёргарлик жараёни авжида. Одамлар кўзида қувонч аломатлари: шўх-шодон қийқириб ўйнаётган шириндан-шакар болажонлардан тортиб, машҳур санъаткорларимизнинг барча-барчаси астойдил меҳнат қилмоқда. Азиз байрам шодиёналарини томоша қилиш учун ташриф буюрган юртдошларимизга ҳақиқий байрам кайфиятини улашиш учун улар бор маҳоратини ишга солишаётир. Шу топда елкамни оҳиста шаббода силаб ўтди, худди кимдир мени чорлагандек. Ортимга ўгирилдим. Ҳеч ким йўқ. Аммо бир ўзим, ёлғиз турганга ҳам ўхшамасдим. Худди бувим билан бирга шодиёналарга гувоҳ бўлаётгандекман. Шу онда бувим иккимиздан бахтиёр одам йўқдек эди, гўё...

* * *



Уйига қайтдим. Телефон аппаратининг хотирасига ёзилиб қолган рақамдан билдимки, кўнглимга яқин бир дугонам қўнғироқ қилибди. Дугонамга сим қоқдим. Унинг овозлари қувончдан титрарди. Бу бежиз эмас экан: Германияда ўқишни давом эттириш учун имтиҳон топширганди, бугун шунинг натижаси чиқибди. Энди у икки йил Германияда таҳсил олади. Қандай бахт, ўз юрти маданиятини ўзга мамлакатга ёйиш, ота-боболаримиз етмаган орзуларга етиш унга насиб қилибди. У барига ўз меҳнати, тинимсиз изланишлари туфайли эришди. Айримлар томонидан «Қиз болага ўқишни ким қўйибди, кўз нурингни кетказганинг қолади, ҳеч нимага эришмайсан», қабилидаги гаплар ҳам айтилди унга. Аммо у ниятидан қайтмади, изланиш ва ҳаракатдан тўхтамади. Мақсади йўлида қатъиятли бўлгани учун ҳам бугун унга омад кулиб боқди.

Бугун у каби ёшлар ҳар қадамда учрайди. Фикри теран, юртининг келажаги учун ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқида ўқиб, изланаётганлар орамизда кўп. Муҳими, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш кераклигини англаганмиз ва уларни олий мақсадлар йўлида ишга солишга аҳд қилганмиз. Аслида мен ўзбекман, буюк ота-боболаримизнинг ворисиман, деган ҳар қандай инсон шундай ният билан яшамоғи керак. Ахир, биз бувию момоларимиз кўрган оғир дамларни кўрмадик, улар тортган азоблар бизга бегона. Бу кунларга етмаган неча-неча аждодларимиз орзусидаги ёруғ кунларда яшаяпмиз. Шулар ҳаққи-ҳурмати изланмоқ, интилмоқдан тўхтамасак, марра бизники! Шундагина бизни чорлаётган нурли манзиллар тобора яқинлашаверади. Зеро, биз — ҳур ва озод юрт, ғурури тоғ қадар баланд элнинг фарзандларимиз!

**Муборак ОХУНОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Ўзбекистон Токио санъат кўргазмасида

**Япония пойтахтидаги машҳур “Tokyo Big Sight” халқаро кўргазма марказида Токио халқаро санъат кўргазмаси катта муваффақият билан якунланди. Унинг доирасида Марказий Осиё давлатларининг ягона вакили бўлган Ўзбекистоннинг тақдимоти ўтказилди.**

Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Ўзбекистон миллий амалий санъати кўргазмаси ҳамда “Буюк Ипак йўли — Ўзбекистон маданияти ва санъати” мавзуидаги давра суҳбати япон жамоатчилигида улкан қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистоннинг халқаро кўргазмадаги тақдимоти Токио халқаро амалий санъат қўмитаси, Япониянинг “Sakura International” компанияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон билан Япония ўртасида маданият, илм-фан, спорт ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси ташкилотчиларнинг махсус мукофоти ва “Энг фаол тарғибот ва иштирок учун” дипломига лойиқ деб топилди.

Ўзбек экспозициясига биринчилардан бўлиб ташриф буюрган Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хонимнинг фикрига кўра, “бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши икки мамлакат халқини ўзаро яқинлаштиради ва келажакдаги Япония-Ўзбекистон ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос яратади”.

**Акмал ҚЎЧҚОРОВ,**
**“Жаҳон” АА.**

*Токио.*


ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ





I. 2006 йил 26 августдан 26 сентябргача

ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзил: 700070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 361-43-76, 361-46-71, 55-75-12. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-76, 361-43-72, 152-30-49. E-mail: umtvs@uzpak.uz

II. 2006 йил 26 августдан 2 октябргача



ЮК ВА ОДАМ ТАШУВЧИ АВТОТРАНСПОРТЛАР УЧУН АВТОМОБИЛЬ ШИНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Тендер қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй. Телефонлар: 8-10-99871 151-26-70, 361-46-70, 139-78-27, 136-39-53. Факс: 8-10-99871 136-39-53. E-mail: umtvs@uzpak.uz



*Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

СПОРТ КИЙИМЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА

АВВАЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТТ-2006-IV ТЕНДЕР САВДОЛАРИ (3-ЛОТ БЎЙИЧА) МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган этиб Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг болалар спорт мажмуаларини спорт анжомлари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Тендер савдоларида спорт кийимлари ва анжомлари ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ҳамда шу турдаги маҳсулотларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий ва маҳаллий ташкилот ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган фирма ва ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:

- *қайта тузилиш, тугатилиш ва банкрот ҳолатларида турган;*
- *белгиланган муддатларда дастлабки кўриб чиқиш учун барча керакли ҳужжатларни тақдим этмаганлар;*
- *илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;*
- *тендер эълон қилингунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.*

**Тендер (ТТ-2006-IV) савдолари бўйича тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.**
**Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил 11 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.**

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг болалар спорт мажмуаларини спорт анжомлари билан таъминлаш бўлимидан, қуйидаги манзилдан олишлари мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Мовароуннаҳр» к., 14-уй. Тел.: 132-22-35. Факс: 136-35-73.



«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

Турли мураккабликдаги хўжалик низолари

корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш

Хизматлар лицензияланган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қўшма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказгич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.



Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2. Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36.

Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг ассортименти 2197 тани ташкил этади

www.uzkabel.uz

Товар сертификатланган



*Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!*

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!



*Ҳурматли юртдошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!*

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

2006 йил 22 августдан бошлаб

ТОШКЕНТ — УРГАНЧ — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича қўшимча йўловчи поезди ҳаракати бошланганини сизларга маълум қилади.

| Поезднинг ҳаракатланиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
|---|---|---|
| № 56 Тошкент — Урганч | сешанба 17.40 | чоршанба 13.05 |
| № 55 Урганч — Тошкент | чоршанба 14.45 | пайшанба 09.25 |



Қўшимча маълумотни Марказий темир йўл агентлигининг Тошкентдаги қуйидаги телефони орқали олиш мумкин: 199-76-27.

*Хизматлар лицензияланган.*


## Спорт

### Ғолиблик шарафланди

Қишлоқда туғилиб ўсган бўз бола бир кун келиб, ер юзидаги «чарм қўлқоп» усталарини сергак торттиришини ҳеч ким хаёлигаям келтирмаган эди. Истиқлол Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров сингари ўнлаб юлдузларни кашф этди. Енгилмас ботирлар изидан бораётган юзлаб иқтидорларнинг униб-ўсишига йўл очди. Спорт оламида порлоқ юлдуз бўлиб бўй кўрсатаётганлардан бири булоқбошилик Қаҳрамон Орзиқуловдир.

Қаҳрамон дастлаб Булоқбоши туманидаги болалар, ўсмирлар спорт мактабида бокс сирларидан воқиф бўлди. Кейинчалик Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт-интернати (ҳозирги спорт коллежи)да таниқли мураббийлар В.Золоторев, А.Размаховлар қўлида таҳсил олди. Олти йил муқаддам бу иқтидорли йигит профессионал боксга ўтди. Москвалик Герман Титов билан Анатолий Волков раҳбарлигида тинимсиз машғулот ўтказди, изланди, ўз устида ишлади. Рус бокс мактабида чиниққан йигит 7 та жанг ўтказиб, барчасида ғолиблик камарини тақди.

Яқинда Қаҳрамон қозоғистонлик машҳур боксчи Марат Мазимбаевга қарши 12 раунддан иборат жанг ўтказди ва очколар бўйича рақибидан устун келди. Ҳамюртимиз Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) қитъалараро ҳамда Халқаро бокс ассоциациясининг (ВА) жаҳон чемпиони камарларини қўлга киритди. Профессионал боксдаги бу ғалаба ўзбек боксининг ёшариб, кучга тўлиб бораётганидан нишона, албатта.

Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида «чарм қўлқоп» устаси Қаҳрамон Орзиқуловни йирик ғалаба билан қутлаш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими С.Бегалиев тантанада сўзга чиқиб, Қаҳрамоннинг бу ютуғи республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига муносиб туҳфа бўлганини алоҳида таъкидлади.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



### Осиё чемпионатига йўлланма

Тўрақўрғондаги Тўйчи полвон Сиддиқов номли миллий кураш мактабининг довруғи бутун мамлакатга ёйилган. Унинг тарбияланувчилари Фарғона вилоятида яшаб ўтган курашчилар хотирасига бағишлаб ўтказилган катта спорт байрамида яна бир бор маҳоратларини намойиш этдилар. Жумладан, 73 килограмм вазнли полвонлар ўртасида гиламга чиққан Рустамжон Умаров, оғир вазнли Нуриддин Ғозиев, ўта оғир вазндаги Шуҳрат Бозоровлар рақиблари курагини ерга текизиб, турнир ғолиби бўлишди. Улар мазкур ғалаба билан жорий йил сентябрь ойи бошида Афғонистонда бўладиган белбоғли кураш бўйича Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

**Қудратилло НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими А. Васидов ва бош бухгалтери Б.М. Парпиеваларга отаси

**Эрмуҳаммад БАСИТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг республика Инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори ўринбосари Лутфулла Аҳроровга падари бузруквори

**Сайфулла АҲРОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси кекса савдо ходими, «Савдо аълочиси», фахрий

**Маҳкам ота БАЙЗАКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 1.30 Топширилди — 1.30 1 2 3 4 5 6